

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги томонидан
2021 йил “28” ~~январь~~
964 -сон билан

“ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН
ЎТКАЗИЛГАН”



Санъаткор, ижодкор ва
ижрочиларнинг муаллифлик
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
палатасининг 2020 йил
7 декабрдаги I-таъсис
конференция йиғилиши
баённомаси билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”

**САНЪАТКОР, ИЖОДКОР ВА ИЖРОЧИЛАРНИНГ МУАЛЛИФЛИК
ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ПАЛАТАСИ
УСТАВИ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатаси (кейинги ўринларда – Палата) ўз аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган нодавлат ноижорат ташкилоти ҳисобланиб, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли жамоат бирлашмасидир.

1.2. Палата ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда мазкур устав асосида амалга оширади.

1.3. Палата ўз фаолиятини ошқоралик, коллегиялик, ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилиқ, ихтиёрийлик ва жамоат фикрини ҳисобга олиш, ижодий ҳамфикрлилиқ тамойиллари асосида юритади.

1.4. Палата Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг юридик шахс ҳисобланади.

1.5. Ўз фаолият мақсадларига эришиш учун Палата бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиши, мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда судда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиши мумкин.

1.6. Палата ўз номига, муҳр ва штампларига ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган рамзига, тегишли банкда ўз миллий ва хорижий валюта ҳисоб рақамларига ҳамда бошқа ўз фаолиятига зарур бўлган атрибутика ва реквизитларга эга бўлиш ҳуқуқига эга.

1.7. Палата ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширади.

1.8. Палата белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида ўзининг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлиб, улар белгиланган тартибда тегишли адлия органларидан давлат рўйхати ўтказилади ёки ҳисобга қўйилади. Шунингдек, улар юқоридаги тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Палатанинг устави, унинг раҳбар органлари томонидан қабул қилинган қарорлар, йўриқномалар ҳамда ҳудудий бўлинмалар тўғрисидаги низом асосида фаолият юритадилар.

1.9. Палатанинг фаолияти номуайян муддатга ташкил қилинган.

1.10. Палата ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган барча мол-мулки билан жавоб беради. Давлат, давлат органлари, корхоналари ва

муассасалари Палатанинг мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан жавоб бермайдилар. Худди шунингдек, Палата давлат, давлат органлари ҳамда корхона ва муассасаларнинг қарзлари ва мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

1.11. Палата тўлиқ номи:

Ўзбек тилида:

Лотин алифбосида – San'atkor, ijodkor va ijrochilarning mualliflik huquqlarini himoya qilish palatasi;

Кирилл алифбосида – Санъаткор, иждокор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатаси;

Рус тилида:

Палата по защите авторских прав работников искусства, творческих деятелей и исполнителей;

Инглиз тилида:

Chamber for the Protection of Copyright of Artists, Creators and Performers.

1.12. Палатанинг доимий фаолият юритувчи раҳбар орган жойлашган ери (почта манзили): 100029, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 1-уй.

1.13. Палатанинг раҳбар орган жойлашган ери ўзгарган тақдирда, бу ҳақда уни рўйхатдан ўтказган органга хабар беради.

II. ПАЛАТАНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Палата фаолиятининг асосий мақсади куйидагилардан иборат:

фан, адабиёт, санъат ва маданият соҳасидаги муаллиф, санъаткор, иждокор ва ижрочилар (ҳуқуқ эгалари) ҳамда уларнинг ҳуқуқий ворислари мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини республикада ҳамда республикадан ташқарида рўёбга чиқаришларини таъминлашга кўмаклашиш;

амалдаги қонунчиликка кўра, яқка тартибда мулкӣ ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ҳуқуқ эгалари (ҳуқуқий ворислар)нинг мулкӣ ҳуқуқларини жамоатчилик асосида бошқаришга кўмаклашиш;

ҳуқуқ эгалари ёки ҳуқуқий ворисларга яқка тартибда фан, адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланиш учун ҳуқуқ олишларига кўмаклашиш.

2.2. Палата уставда назарда тутилган мақсадларига эришиш учун куйидаги вазифаларни амалга оширади:



фан, адабиёт, санъат асарлари ҳуқуқ эгалари (ҳуқуқий ворислар)нинг муаллифлик ва турдош ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқаришга, уларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилишда иштирок этиш;

ҳуқуқ эгалари (ҳуқуқий ворислар)нинг ҳуқуқлари ва манфаатларини республикадан ташқарида рўёбга чиқаришга кўмаклашиш;

асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан ҳар қандай шакл ва усулда фойдаланишда ҳуқуқ эгалари (ҳуқуқий ворислар) номидан фойдаланувчиларга рухсат бериш ёки таъқиқлашга кўмаклашиш;

муаллифлик ҳуқуқи объектлари, жумладан, аудиовизуал асарлар, турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланилганда ҳуқуқ эгалари (ҳуқуқий ворислар)нинг ҳақ олиш ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашиш;

асарлар ёки турдош ҳуқуқ объектлари (кўлёмалар, нусхалар)га нисбатан мерос ҳуқуқини таъминлашда иштирок этиш;

муаллифлик ҳуқуқи ёки турдош ҳуқуқлар объектларига бўлган ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтказилиши, рўйхатга олиниши ва сақланишига кўмаклашиш;

ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини амалга оширишда ва ҳимоя қилишда уларга шартнома асосида ёрдам кўрсатиш;

ҳуқуқ эгалари (ҳуқуқий ворислар)га якка тартибда асарлар ва ижролар (фонограммалар)дан фойдаланишда ҳуқуқ олишларига кўмаклашиш;

хорижий турдош ташкилотлар томонидан берилган ваколатлар доирасида хорижий ҳуқуқ эгалари (ҳуқуқий ворислар)нинг мулкӣ ҳуқуқларини республикада ҳимоя қилиш ва бошқаришга кўмаклашиш;

ҳуқуқ эгаларининг муаллифлик (ижрочилик) ҳуқуқларини ҳимоя қилиш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

ҳуқуқ эгаларининг муаллифлик (ижрочилик) ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳалқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни шу жумладан, асарлар ёки турдош ҳуқуқ объектларига бўлган ҳуқуқларни ўзаро ҳимоя қилиш ҳақида ҳалқаро шартномаларни тузиш орқали ўрнатиш ва мустаҳкамлаш;

ҳуқуқ эгаларининг муаллифлик (ижрочилик) ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида илмий-тадқиқотлар ва бошқа ишларни амалга оширишда иштирок этиш;

жамиятда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга нисбатан ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳурмат ҳиссини шакллантириш.

III. ПАЛАТАНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Палата белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун куйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини фойдаланиш ҳамда ҳимоя қилиш;
 - ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;
 - давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;
 - ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш ва белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ва тегишли лицензия (рухсатнома) асосида матбаа ва ноширлик фаолиятини амалга ошириш;
 - қонунда белгиланган тартибда ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;
 - ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар ва бошқа тадбирлар ўтказиш;
 - қонун ҳужжатларига ва ўз уставига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман ва шаҳарларда ўзининг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш ва улар фаолиятини таъминлаш;
 - қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳамда устав мақсадларига мос қонунчиликда белгиланган тартибда лицензияланадиган фаолият билан шуғулланиш;
 - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқлар, йиғимлар ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа тўловлар тўлашда белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш.
- 3.2.** Палата куйидаги мажбуриятларга эга:
- амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этиш;
 - ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаш;
 - чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиш;
 - нодавлат нотижорат ташкилот сифатида рўйхатдан ўтказувчи органни ўтказиши режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида олдиндан хабардор қилиш





хамда ўтказаетган тадбирларига рўйхатдан ўтказувчи орган вакилини эркин кириш имконини бериш;

- ўз фаолиятининг натижалари ҳисоботини юритиш;
- рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиш.

IV. ПАЛАТА АЪЗОЛАРИ, АЪЗО БЎЛИШ ВА АЪЗОЛИКДАН ЧИҚАРИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ ҲАМДА АЪЗОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Палата аъзолигига, уларнинг ёзма мурожаатлари асосида 18 ёшга тўлган миллати, irqи, жинсидан қатъий назар Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган шахслар Бошқарув қарори асосида қабул қилинади.

Палатага мазкур уставни тан олган ва ҳурмат қилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар аъзо бўладилар ва барча аъзоларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тенг равишда ҳимоя қилинади.

Палата аъзолигидан аъзоларнинг ёзма аризасига асосан ихтиёрий равишда чиқариш Бошқарув қарори асосида амалга оширилади.

4.2. Аъзолар томонидан қонун ҳужжатлари ва устав қоидалари кўпол равишда бузилганда Бошқарувнинг қарорига асосан аъзоликдан чиқарилиши мумкин.

4.3. Палата аъзоларининг ҳуқуқлари:

- Палата фаолиятида қонунда ва ушбу Уставда белгиланган тартибда иштирок этиш;

- Палата органларини сайлаш ва уларга сайланиш;

- Палата аъзолигидан чиқарилган аъзолар, бундан норози бўлган тақдирда, бу ҳақдаги шикоят билан Палатанинг раҳбар органига мурожаат қилиш;

- Палата раҳбар органлари ташкил қилган мажлисларида, комиссияларида, ишчи гуруҳларида қатнашиш, баённома ва қарорлар билан танишиши;

- Палата раҳбар органлари қарорларининг ижросини таъминлаш, ваколати доирасидаги топшириқларини бажариш;

- ўз хоҳишига кўра Палата аъзолигидан чиқиш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

4.4. Палата аъзоларининг мажбуриятлари:

- таъсис ҳужжатларида ва ушбу уставда белгиланган талабларга амал қилиш ва олган мажбуриятларни бажариш;
- Палата фаолиятини олиб боришга ҳар томонлама кўмаклашиш;
- Палата томонидан ўтказиладиган кўргазмалар ва турли тадбирларда фаол иштирок этиш.



V. РАҲБАР ОРГАНЛАР

5.1. Палатанинг раҳбар органлари қуйидагилардан иборат:

- Конференция;
- Бошқарув;
- Бошқарув раиси;
- Назорат-тафтиш комиссияси.

Палата Бошқаруви ҳамда палата Раиси 3 (уч) йил муддатга Конференция томонидан сайланади.

Палата фаолиятини назорат қилиш учун **Назорат-тафтиш комиссияси** ташкил қилинади.

5.2. Конференция – Палатанинг олий раҳбар органи ҳисобланиб, у заруратга қараб, аммо 3 (уч) йилда камида бир марта чақирилади. Конференция Палата аъзолари ёки Палата аъзоларидан сайланган аъзоларнинг делегатларидан иборат бўлади. Делегатларнинг квотаси ва сони Конференцияни чақирувчи томонидан белгиланади.

Конференция Бошқарув, Бошқарув раиси ёки Тафтиш комиссияси ёки рўйхатга олувчи орган ташаббуси билан чақирилиши мумкин.

Рўйхатга олувчи орган томонидан олий раҳбар орган чақирилганда вакиллик нормаси ва сони муқаддам ўтказилган олий раҳбар орган йиғилишидаги тартибда бўлади.

Палатанинг раҳбар органлари йиғилиши унда иштирок этиши лозим бўлган шахсларнинг $\frac{2}{3}$ (учдан икки қисми) иштирок этганда ваколатли бўлади ҳамда раҳбар органлари қарори унда иштирок этган шахсларнинг $\frac{2}{3}$ (учдан икки) қисмининг овоз бериши орқали қабул қилинади.

5.3. Конференция ваколатларига қуйидаги масалалар киради:

- уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уставни янги таҳрирда тасдиқлаш;
- Бошқарув ҳамда Бошқарув раисини уч йил муддатга сайлаш ва вазифасидан озод этиш;
- Палатани қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;



- Бошқарув Раисининг ҳисоботини эшитиш ва қабул қилиш;
- Тафтиш комиссиясини уч йил муддатга сайлаш ва унинг ҳисоботини қабул қилиш;
- Палатанинг стратегик масалаларини аниқлаш;
- Конференция уставга кўра Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистонда қабул қилинган халқаро ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа масалаларни ҳам ҳал қилиши мумкин.

5.4. Конференциянинг ваколатига кирувчи масалалар Палатанинг бошқа органига ўтказилиши ёки берилиши мумкин эмас.

5.5. Бошқарув – Палатанинг раҳбар органи ҳисобланиб, унинг йиғилиши бир йилда камида бир марта ўтказилади. Бошқарув ўн беш кишидан иборат таркибда Конференция томонидан уч йил муддатга сайланади.

5.6. Бошқарув қуйидаги ваколатларга эга:

- Палатага кириш ва аъзоликни белгилаш;
- Палата рамзини тасдиқлаш ҳамда унга ўзгартириш ва кўшимча киритиш;
- ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ҳудудий бўлинмалар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
- Палатанинг харажатлар сметасини ва штатлар жадвалини тасдиқлаш ҳамда Палатанинг мол-мулкини тасарруф қилиш;
- ижро органи раҳбари – ижрочи директорни 3 йил муддатга тайинлаш;
- Палатанинг стратегик режаси асосида йиллик иш режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

5.7. Тафтиш комиссияси:

Палатанинг молиявий-хўжалик фаолияти, маблағларни мақсадли сарфланиши устидан назоратни Конференция томонидан 3 (уч) кишидан иборат таркибда, 3 (уч) йил муддатга сайланган Тафтиш комиссияси амалга оширади.

Комиссия раиси ва аъзолари Палатанинг бошқа фаолиятларида қатнашишлари, Бошқарув ва раҳбар органлари таркибига киришлари мумкин эмас.

Тафтиш комиссияси режа асосида, бир йилда камида бир марта, шунингдек Конференция ёки Бошқарув қарорлари асосида режадан ташқари тафтиш қилади.

Тафтиш комиссияси ўз фаолиятини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мазкур устав асосида амалга оширади.

Тафтиш комиссияси фаолияти юзасидан ҳисоботлар Конференцияда кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

5.8. Бошқарув раиси Конференция томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланади.

5.9. Бошқарув раиси қуйидаги ваколатларга эга:

- Палата фаолиятини бошқариш билан боғлиқ барча масалалар бўйича мустақил қарорлар қабул қилади ва фаолиятни амалга оширади;
- Палата номидан конференция, симпозиум ва бошқа турли тадбирларда иштирок этади;
- Палата фаолиятига раҳбарлик қилади. Палата мажлисларида раис сифатида иштирок этиб, уни бошқаради;
- Палата ходимлари ва бўлинмалар раҳбарларини ишга тайинлайди ва ишдан бўшатади;
- Палата номидан ишончномасиз иш юритади;
- Палата номидан бошқа шахсларга ишончномалар беради;
- Палата ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлади;
- Палата фаолиятини яхшилашга ва юритишга оид лойиҳалар ишлаб чиқади ва Конференция муҳокамасига тақдим этади;
- зарур ҳолларда навбатдан ташқари Конференцияни чақиради;
- Конференция ва Бошқарув қарорлари ижросини назорат қилади ва бажарилишини таъминлайди.

Бошқарув раиси томонидан унинг ўз меҳнат таътилидалиги, вақтинча бетоблиги, хизмат сафаридалиги ёки бошқа сабабларга кўра ўз ваколатлари ва вазифасини вақтинча тўлиқ ёки қисман бошқа шахсга юклаши мумкин.

Бошқарув раиси лавозимдан озод қилиниши, вафоти, ишдан четлаштирилганлиги муносабати билан ёки бошқа сабабларга кўра Бошқарув томонидан унинг вазифасини вақтинча бажарувчи тайинланиши мумкин.

VI. ПАЛАТАНИНГ МОЛ-МУЛКИ ВА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИ

6.1. Палата, унинг ҳудудий бўлинмалари ва бошқа тузилмалар уставда кўрсатилган фаолиятларини олиб борилишини моддий ва молиявий таъминлаш учун бинолар, турар-жой фонди, транспорт воситалари, оргтехника, асбоб-анжом ва бошқа мулклар, пул маблағлари ва бошқаларга эғалик қилишлари мумкин, шунингдек Палата ва унинг таркибидаги





бўлинмалар ва бошқа тузилмаларнинг мулклари Палатанинг умумий мудки хисобланади.

6.2. Палата ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг пул маблағлари ва мол-мулкни шакллантириш манбалари қуйидагилар:

- ташкилотларнинг ва алоҳида фуқароларнинг ихтиёрий равишда берган ҳомийлик маблағлари ва мулклари;
- уставга асосан семинарлар, маърузалар, фестиваллар, кўргазмалар ва бошқа тадбирларни ўтказишдан тушган маблағлар;
- Палата таркибида тузилган тадбиркорлик субъектлари фаолиятларидан тушадиган даромадлар;
- халқаро ташкилот ва муассасаларнинг ҳомийлик маблағлари;
- фаолият йўналиши бўйича олинган Республика ва халқаро грантлар;
- конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

VII. ҲУДУДИЙ БЎЛИНМАЛАР ВА УЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКНИ БОШҚАРИШ БОРАСИДАГИ ҲУҚУҚЛАРИ

7.1. Палата тузилмасига унинг ҳудудий бўлинмалари киради.

Юридик шахс мақомига эга бўлган бўлинмалар ҳудудий адлия органларида давлат рўйхатидан ўтказилиши ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган бўлинмалар ҳудудий адлия органларида ҳисобга қўйилиши лозим.

Палатанинг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш ҳақидаги қарор Бошқарув томонидан қабул қилинади.

Ҳудудий бўлинмаларини ташкил қилиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқлари, уларнинг раҳбар органлари бўйича батафсил қоидалар ҳудудий бўлинмалар низомида белгиланади.

7.2. Палата ҳудудий бўлинмалари ҳамда бошқа таркибий тузилмаларнинг мол-мулклари Палата мулки ҳисобланади ҳамда улар Палата мулки каби тасарруф қилинади.

VIII. УСТАВГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ, ПАЛАТАНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ

8.1. Палата уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Конференция қарори асосида амалга оширилади.

8.2. Палата уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгач Палата қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим. Палата уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Палата қайта рўйхатдан ўтгач қонуний кучга эга бўлади.

8.3. Палата фаолияти у Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларини бузган тақдирда суд томонидан тўхтатиб қўйилиши мумкин.

8.4. Палатани қайта ташкил этиш Конференция қарорига биноан бирлашиш, қўшилиш, бўлиниш, ажралиб чиқиш ва ўзгартириш йўли билан амалга оширилади.

Палатани қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

8.5. Палатани тугатиш Конференция қарорига биноан ёки суд тартибда амалга оширилади.

8.6. Палатани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган орган Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

8.7. Палатани тугатиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

8.8. Палата тугатилганда кредиторларнинг талаблари қондирилгандан кейин қолган мол-мулк Палата қатнашчилари (аъзолари), шунингдек раҳбар органларнинг аъзолари ёки Палата ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ҳамда ундан устав мақсади йўлида ёки хайрия мақсадларида фойдаланилади.

Устав қоидаларини Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига зид тарзда талқин қилиш мумкин эмас ҳамда устав қоидаларининг Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига зид тарзда ифода қилинган бандлари ҳақиқий эмасдир.

Бошқарув раиси



Б. Тошев





8.3. Davlat faxonlarini yuzlabiston Respublikasining Konstitutsiyasi va boshqa qonun hujjatlarining dastur taqdimatida qayd etilgan hujjatlar bilan tekshirish va tasdiqlash.

8.4. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash.

8.5. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash.

8.6. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash.

8.7. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash.

8.8. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash.

8.9. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash.

8.10. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash.

8.11. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash.

8.12. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash.

8.13. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash.

8.14. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash.

8.15. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash. Davlat faxonlarini qayta taqdimatida Konfederatsiya qarorlari bilan tekshirish va tasdiqlash.

B. Toshov

[Handwritten signature]



[Handwritten signature]

Bohkarov raиси B. Toshov

11 varok

Utqazib tikilgan

Tartib rakami kuyilgan da in